# ШАНБА ОҚШОМИ

Ҳикматнома

## Она-Ватан ҳақида

● Ватанпарварнинг юрагига Ватан харитаси илинган.
● Ватаннинг тинчлиги — эл-юрт ҳаловати.
● Ватанимиз мадҳи — тарихда ягона.
● Ватанни севиш — уйдан бошланади.
● Ўз диёрини гуллатганнинг бахти гуллайди.
● Ҳар бир ниҳол ўзига тегишли тупроқда илдиз отади.
● Болали уй — умрнинг асосидир.
● Ватанпарварлик боболардан қолган мерос.
● Ватандан жудо бўлиш — энг оғир дард.
● Ватан қадрини ватансиздан сўра!

## Оқибат ҳақида

● Оқибат— мақсад мевасини етиштиради.
● Оқибатли одам — элда азиз.
● Оқибатлилар орасига ёмонлик суқулиб киролмайди.
● Оқибатли қалб — латифли қалб.
● Лоқайд одамда оқибат бўлмайди.
● Илдизнинг оқибатидан барглар яшнайди.
● Муҳаббатсиз оқибат — сароб.
● Оқибат ҳаётни сайқаллайди.
● Оқибат йўқ ерда — қадр-қиммат йўқ.
● Оқибат инсонни улуғлайди.

Матлуба УЛУҒОВА,
ветеран-педагог.

Ўсимликлар оламида

## Тухумак

Тухумак манзарали дарахт сифатида Ўзбекистондаги шаҳар кўчаларида, боғларда, канал ва ариқ бўйларида ўстирилади. Унинг бўйи 20 метргача етадиган дарахт. Барги тоқпатли мураккаб бўлиб, шохларда қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Баргчаси ўткир учли, чўзиқ эллипссимон, чўзиқ тухумсимон ёки кенг ланцетсимон. Гуллари сариқ, рўваксимон гултўпламни ташкил этади. Меваси — этли, қисқа бандли, дуккак бўлади.

Тухумак июнь-июль ойларида гуллайди, меваси август-сентябрда пишади. Унинг гулғунчаси ва меваси рутин олинадиган асосий маҳсулот ҳисобланади. Рутин порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади. У витамин Р каби таъсир қилиб, қон томирларининг ўтказувчанлиги бузилиши ва мўрт бўлиб қолишидан келиб чиқадиган касалликнинг олдини олишда ҳамда даволашда қўлланилади.

Мевасидан тайёрланган дамлама жароҳатларга, яраларга, бадандаги куйганни даволаш учун ишлатилади (касалланган жойларни чайиш, ювиш, шунингдек ярага қўйиладиган тампон ва салфеткаларни ҳўллаб қўлланилади).

## Тоғрайҳон

Тоғрайҳон Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё областларидаги тоғли районларда, тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги майда тошли қияларда ўсади. У кўп йиллик, бўйи 30—60 сантиметрга етадиган хушбўй ўсимлик бўлиб, пояси тўрт қиррали, юқори қисми шохланган. Барги тухумсимон бўлиб, банди билан пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, улар барг қўлтиғида 2—3 тадан жойлашиб, қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Натижада поя учида рўваксимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — тўртта ёнғоқча.

Тоғрайҳон июль-август ойларида гуллаб, меваси сентябрда пишади. Гуллаган пайтда ер устки қисми ўриб олиниб, соя ерда қуритилади. Таркибида эфир мойи бўлиб, у асосан феноллардан, терпенлардан ташкил топган. Халқ медицинасида тоғрайҳон дамламаси йўтал, нафас қисиши, ўпка, меъдаичак касалликларида фойдаланилади. Илмий — медицинада тоғрайҳон дамламаси ичакнинг заифланиши касаллиги ҳамда иштаҳа очувчи ва ҳазмни яхшиловчи, балғам кўчирувчи, пешоб ва ел ҳайдовчи дори сифатида оддий тоғрайҳон дамламаси ўрнида қўлланилади. Фармакологик текшириш натижасида тоғрайҳон ўсимлиги гижжа ҳайдаш таъсирига эга эканли ҳам аниқланди.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

● ОНА ДИЁРНИ УЛУҒЛАЙМИЗ
● ШИФОБАХШ НОЗ-НЕЪМАТЛАР
● ШАХМАТ ИШҚИБОЗЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН
● АЖАБ ДУНЁ ЭКАН

Бувижон, ўқиб беринг

## ТИНЧЛИК БАЁТИ

Кулранг туннинг чоки
сўкилиб,
Тонг нурлари ёяр
қанотин.
Тонг юзига шодон тикилиб,
Қушлар бошлар тинчлик
баётин.

Кулиб қарар деразадан
тонг,
Зар кокилин тарайди қуёш.
Ёришмоқда тушунча, ўй,
онг,
Нурга тўлди борлиқ,
тоғу-тош.

Яйраб кетди оқ нурдан
қалбим,
Бахт қуёши кўзимда ёнди.
Тинчлик — менинг талаб-
матлабим,
Тонгдек кулиб-кулиб
уйғонди.

Қўчқор ТЕШАБОЕВ.




Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтишмайди. Шаҳримизнинг истироҳат боғларида, соя-салқин хиёбонларда кўнгилли ҳордиқ чиқариш, фарзандлар билан кунни завқ-шавқли ўтказиш дилларга ҳузур бағишлайди.

СУРАТДА: ҳамшаҳарларимизнинг «Ғалаба» боғида дам олишларидан лавҳалар.

Е. Ботиров фотоси.

«Оқшом» сабоқлари

## Тўртинчи сабоқ

«Ҳар куни ишда ҳисоб-китоб, чўт, ЭҲМ, устига-устак уйга келиб сизнинг «сабоқ»ларингизни ечиб ўтирамиз-ми?» дегувчи ўртоқларимиз ҳам чиқиб қолишди. Уларнинг гапини инобатга олиб бугун масала-мисол ечмаймиз.

Демак, бугун маслаҳатлашамиз, фикрлашамиз, ўйлашамиз. Дейлик, бугун сиз киного тушмоқчисиз. Дейлик «Искра» кинотеатрига. Хўш, у ерда бугун қандай кино кетаётганини, қайси соатларда бўлишини билиш учун нима қилиш керак?

— Газеталардан билиш мумкин.

— Тўғри, бироқ соат кундузи 2 да киоскада газета қоптими?

— Унда тўғри кинотеатрнинг олдига бориш керак.

— Ҳақ гап. Олдига бордингиз ҳам. Афсуски, сеанс бошланган, кейингиси яна 2 соатдан сўнг бошланади, дейлик. Икки соат вақтни «ўлдириш» керак бўлади. Хуллас, кино бошлангунча чарчаб, ҳорасиз, ўша кино томоша қиладиган кайфиятингиз ҳам қолмайди ҳисоб.

Бу билан нима демоқчимиз? Кинотеатрлардаги кино ҳақидаги афишани фақат кинотеатрнинг олдидагина эмас, шаҳарнинг гавжум жойларида ўқиш мумкин бўлсин. Масалан, Студентлар шаҳарчасида, метро станциялари олдида, институтлар ҳовлисида, марказий кўчаларда. Токи, томошага тушадиган одам ортиқча вақт сарфлаб юрмасин. Бу ерда Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлар тажрибаси таҳсинга лойиқ. Ҳар бир кўчада «Бугун театрда», «Бугун кинода», «Бугун спорт майдонларида» деган эълон тахталари бўлиб, унда керакли маълумотларни олиш мумкин.

Яна бир гап: эрталаб соат 11 дан кейин газета киоскаларида газета қолмайди ҳисоб. Нима қилиш керак? Нима қилиб бўлса ҳам бугунги газетани ўқиш керак. Хўш қандай қилиб? Деярли иложи йўқ. Бироқ иложини қилса бўлади.

— Хўш яна қандай қилиб?

Яна марказий шаҳарлар тажрибасидан ўрганиш лозим бўлади.

Хаёлан сиз билан яна ўша шаҳарлар кўчалари бўйлаб юрайлик. Газеталарнинг шу кунги сонлари осилган ойнаванд «витрина»ларга кўзингиз тушади. «Правда», «Известия», «Комсомольская правда», «Советский спорт». Одамлар тўп-тўп бўлиб газета ўқишмоқда, ошкора, очиқ баҳслашишмоқда, муҳокама қилишмоқда. Қандай яхши! Энди фараз қилинг. Тошкент кўчаларида ҳам шундай «витрина»лар пайдо бўлса ва кўпайса. Юқоридаги газеталардан ташқари, «Совет Ўзбекистони», «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи». Одамлар тўп-тўп бўлиб ўқишмоқда, баҳслашишмоқда. Қандай ажойиб.

Фақат бу ҳозирча фараз, холос. Бироқ уни ҳақиқатга айлантириш қийин эмас. Бунинг учун жиндай жонкуярлик, ишчанлик керак, холос.

— Балки «бундай витрина»лар бор-ку» дерсиз.

— Хўш қаерда?

— Инқилоб хиёбонида!

— Яшанг, хўш яна?

— Университет ҳовлисида.

—Тўғри, фақат ундаги газеталар бир неча ҳафта аввалги газеталар эканлигини ҳисобга олмасак.

Хўш, яна.

...

...

— Ана шунақа! Қани айтингчи, Тошкентдай шаҳарда бу камлик қилмасмикан? Хўш нима дейсиз? Балки, сизда бу борада ўз мулоҳазаларингиз бордир? Ундай бўлса, ёзинг, ўртоқлашамиз.

Сабоқни
Аҳрор АҲМЕДОВ
олиб борди.

## «Оқшом» сабоқлари» акс садоси

1-сабоқ, «Тошкент оқшоми»,
1986 йил 28 март.

● Биринчидан, барча эркаклар ҳам ҳар куни соқол олмайдилар, улар ичида 2—3 кунда сартарошга мурожаат қилиб, ўзлари соқол олишни ёқтирмайдиганлар ҳам бор. Иккинчидан, ҳар бир киши соқол олиш учун турлича вақт сарфлайди. Айниқса ёшлар бу ишнинг уддасидан тез чиқадилар. Учинчидан, эркакларнинг 20 проценти электр устара билан соқол олади. Айниқса «Эра—10» устараси, агар уни ўз вақтида тозалаб турилса, жон роҳати.

Фикримча, барча эркаклар электр устарада соқол олишга ўтсалар сув ҳам, совун ҳам исроф бўлмайди. Электр энергияси унчалик кўп сарф бўлмайди. Бу ҳолда фақат электр токи бўлмагандагина совунлаб соқол олинади. Электр устаранинг яна битта фазилати шуки, агар эрталаб кечикиб уйғонилса, ишга кечикиш хавфи бўлса уни чўнтакка солиб, ишхонада ҳам соқол олиш мумкин... Охиргиси ҳазил, албатта.

Ҳ. СОБИРОВ,
хизматчи.

3-сабоқ, «Тошкент оқшоми»,
1986 йил 21 июнь.

● Афишалар, эълонлардаги грамматик хатолар масаласининг «Оқшом» сабоқлари»да кўтарилиши айни муддао бўлибди. Меҳмонларимиз шаҳар кўчалари, деворлар ва бинолардаги кўпгина ёзувлардаги хатоларни кўриб шаҳар маданиятига баҳо берадиган бўлсалар, турган гап биз ўзимиз уялиб қоламиз. Мен «Искра» кинотеатрида шундай эълонни ўқиганман: «Потомок Белого барса» деган фильм номи ўзбекчага «ўгирилиб» қуйидагича ёзилган эди: «Оқ қоплон овлади». Албатта, тўғрироғи «авлоди» бўлиши керак эди. Бу эълон салкам бир ҳафта осилиб турди. Балки «Бу оқ қоплон нимани овлаган экан» деб киноrа кирганлар ҳам бўлгандир ўшанда?.. Бироқ гап бунда эмас. Саводлилик яхши, нодир китобларни тўплаш билан белгиланмайди. Аксинча, оддий ёзувни кўпчиликнинг (айниқса шаҳримизнинг марказий майдонида жойлашган кинотеатрнинг эълонлар тахтаси орқали) ҳукмига хато тарзда ҳавола этиш фаросатсизликдан бошқа нарса эмас.

Н. ОТАХОНОВ.

## Шоҳга кишт, фельдмаршалга гарде

Швеция қироли Карл XII (1682—1718) жанговарлик даврининг энг кескин пайтларида ҳам шахматни ёддан чиқармаган. Шахмат тахтасидаги ҳодисаларни у жанг майдонида юз бераётган воқеаларнинг ўзгинаси деб биларди. Лашкарбоши жанггоҳнинг энг қизиган жойида бўлиши керак, деб уқтирувчи Карл XII биринчи юришданоқ ўз шоҳини тахта марказига йўналтира бошларди. Ҳукмдорни бехос мот қилиб қўймаслик учун унинг ҳарифлари — сарой аъёнларига ниҳоятда ҳушёр бўлиб туришга тўғри келарди.

Яна бир қизиқ жойи шундаки, Швеция қироли аёлларни кўришга кўзи йўқлардан эканлиги важидан шахматдаги малика (ўша вақтларда фарзин шундай аталарди. Ҳозир ҳам кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларида, чунончи, Германияда «дама» дейилади)ни йўқ қилиб, унинг ўрнига... фельдмаршални киритган экан.

**ЭСЛАТМА:** илгарилари шоҳга ҳужум қилган томон ҳарифини «кишт» деб, фарзинга ҳужум қилинганда эса «гарде» деб огоҳлантирган. Ҳаваскорлар орасида ҳозир ҳам шундай дегувчилар топилади. Қоидага кўра «кишт» ёки «гарде» дейиш шарт эмас.

## Адибларнинг қасоси

Узоқ умр кўрган машҳур инглиз ёзувчилари Бернард Шоу (1856—1949) ва Герберт Уэллс (1866—1946) шахмат ҳақида унчалик яхши фикр билдиришмаган. Замондошларининг эсдаликларидан англанишича, бунинг сабаби — шуҳратдорларнинг шахмат тахтаси ёнида кўп марталаб ўсал бўлганликларида эмиш. «Пигмалион»нинг автори болалигида онасига, «Кўринмас одам»нинг яратувчиси эса иккинчи хотини Эти Кэтрингга нуқул ютқазарканлар.

## Ўз-ўзини сеҳрлаш

Шотландиянинг Глазго шаҳрида бундан икки-уч йил аввал спорт медицинаси бўйича ўтказилган конференцияда спортчиларнинг психологик тайёргарлик кўриши жараёнида гипноз ва ўзини-ўзи гипноз қилишнинг қўлланиши ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди. Эдинбургдаги спорт медицинаси маркази директори доктор Питер Уэстоннинг докладида, жумладан, Англиянинг навбатдаги чемпионатида гроссмейстер Энтони Майс қўллаган ўзини-ўзи гипноз қилиш муваффақиятли бўлгани эслатиб ўтилган (ўшанда Майлс ишонарли ғалабага эришган) эди. Уэстоннинг гувоҳлик беришича, «ўзи учун энг ноқулай ҳарифлари билан бўладиган принципиал учрашувлар олдидан Майлс бу масала унинг учун ҳаёт ёки мамот масаласи эканлигига ўзини ишонтирган ва бу ҳол унинг курашга жиддий шайлана олишига кўмаклашган».

## Неча дақиқада еча оларкинсиз?



Диаграммада А. Калинин тузган (1973) масала акс эттирилган. Шарти: оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

Буни тахтага термай хаёлан (мияда) ечишга ҳаракат қилиб кўринг-чи, қанча вақт кетаркин? Бунинг иложини қилолмаган ҳаваскорлар эса уни тахтага териб, бинобарин, доналарни силжитиб ечиб кўришлари мумкин. Қани бу ҳолда қанча вақтда ечаркинсиз?

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
тайёрлаган.

## ҲАР ТЎҒРИДА

**ЭНГ ЮПҚА ВА ЭНГ КАТТА СОАТЛАР**

Швейцариядаги «Конкорд» фирмасида энг юпқа соат ишлаб чиқарила бошланди. Соат қалинлиги 0,98 миллиметрга тенг бўлиб, у ўта юпқа кварц батарейкаси ёрдамида ишлайди.

Жаҳонда энг улкан соат ўтган аср охирида Токио шаҳрида пайдо бўлган эди. Бу улкан соатнинг бўйи 100 метрга, циферблат диаметри эса 16 метрга тенгдир. Бу баҳайбат соат реклама сифатида Токиодаги 37 қаватли бинога ўрнатилган.

**ҚЎҒИРЧОҚЛАР МУЗЕЙИ**

Каунас шаҳрида қўғирчоқлар музейи очилди. Бу янги музейда асосан ўйинчоқ ҳайвонлар ва қўғирчоқлар намойишга қўйилган. Болалар учун турли қўғирчоқлар яратиб донг чиқарган совет рассоми Стасе Самулявичене бу хизмати учун Польша Халқ Республикасининг энг қувноқ нишони — Кулги ордени билан тақдирланган эди.

Стасе хоним ана шу янги музей учун ўзининг юздан ортиқ қўғирчоқларини тортиқ қилди.

**ҚЎЛИ ГУЛ ОДАМ**

Тарту шаҳрида яшовчи Хейно Куур деган кишини «қўли гул одам» дейишади. Чунки унинг касби шофёрлик бўлишига қарамай, у бўш вақтида авиамодель ясагани ясаган.

Ҳозир унинг уйида 170 та хилма-хил, турли давр ве мамлакат самолётлари модели бор.

**КЕЧҚУРУНГИ БОҒЧА**

Грузия қишлоқ хўжалик институтининг ётоқхонасида болалар учун махсус кечки боғча очилди. Бу ғалати боғча ҳар куни кечқурундан, шанба куни эса, кун бўйи ишлайди.

Боғча институтнинг ёш болали оналар учун жамоатчилик асосида очилди. Ҳозир унда 24 «навбатчи» оналар ўз ота-оналари институтдан қайтгунча болалар хизматида бўлишаётир.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

## Хаёл оғушида

(Ҳажвия)

Уйғондиму, кўзимни очмай ётибман. Ҳаммаёқ жимжит.

Соат неча бўлганикин?

Беш. Унда нега трамвайнинг изидан ғийқиллаган таранг овози келмаяпти?

Олти. Йўғ-э, ташқаридан, кўча томондан фаррош аёлнинг чўкиртак супургисининг қиртиллагани келарди-ку.

Етти. Йўқ қўшним ишга кетаётиб эшигини шунақанги гурсиллатиб ёпади-ки, зилзила бўлаяптими деб сакраб тушардим.

Етти ярим. Иккинчи қаватдаги Лола опа ўжар ўғли билан тантиқ қизчасини чинқиртириб боғчага судраб кетади.

Саккиз. Қўшни подъезддаги қўнғиз мўйлов новча йигит мотоциклини шунақанги тариллатади-ки, шовқин-суронига ўлик ҳам сапчиб туриб кетади!

Ё алҳазар, наҳотки ўлиб қолган бўлсам?

Шу пайт бирдан эшик очилиб, хотинимнинг қўнғироқдек ёқимли товуши келди:

— Ҳай, туринг, шу пайтгача ухлаб ётадими одам, кун ёришиб кетди-ку...

Ие, буни қаранг, кеча қишлоққа келганимиз ёдимга тушди-ю, сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

Акбар ЮНУСОВ,
қурувчи.

## ХАНДАЛАР

**ТАРИХ ДАРСИДА**

Ўқитувчи:—Александр Невский ким билан, қаерда жанг қилган.

Ўқувчи: — Александр Невский Куликов билан муз устида жанг қилган.

* * *

Ўқитувчи: Мисрдаги қадимги пирамидаларни ким қурган?

Ўқувчи: Археологлар.

* * *

Ўқитувчи: Искандар Зулқарнайннинг вафоти ҳақида гапириб бер?!

Ўқувчи: Искандар вафот этганда мен касал эдим.

**ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА**

Ўқитувчи: Наҳотки, харитадан Лондон шаҳрини топа олмасанг?..

Ўқувчи: Лондонда тез-тез туман бўлиб туради дедингиз, ҳозир туман тушганга ўхшайди, кўринмаяпти.

* * *

Ўқитувчи: Қора денгиз бўйида иқлим қанақа бўлади?

Ўқувчи: Бу ерда қиш юмшоқ, ёз қаттиқ бўлади.

* * *

Ўқитувчи: Қора денгиздан ташқари яна қайси денгизларни биласан?

Ўқувчи: Қизил, Сариқ, Оқ, Кўк денгизларни...

**АДАБИЁТ ДАРСИДА**

Ўқитувчи:

«Уч мушкетер»ни ўқиганмисан?

Ўқувчи: Ҳозирча бирини ўқиб чиқдим, энди иккинчи мушкетерни ўқийман.

* * *

**ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА**

Ўқитувчи: Балиқлар гапирадими?

Ўқувчи: Йўқ, гапира олмайди. Чунки уларнинг оғзи сувга тўла бўлади.

* * *

Ўқитувчи: Йўқ бўлиб кетган ҳайвонлардан қайси бирини биласан?

Ўқувчи: Скелетозавр.

Саъдулла СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Сўраган эдингиз...

## Ари чақса

**Баъзан ари чаққанда асорати жуда ёмон бўлади, шундай пайтда қандай даво чорасини қўллаш керак?**

И. АЛИЕВ,
ўқитувчи.

Ҳаётда фавқулодда ҳодисалар бўлиб туради. Айни ёз палласида аксарият хонадонларда уй-жойлар тартибга келтирилади: эски деворлар бузилади, том- шиплар эпақага келтирилиб мойланади. Шундай пайтларда одамни ари чақиши мумкин. Ари чаққанида фақат қаттиқ оғриқ сезилибгина қолмай, балки турли кўринишдаги асоратлар кузатилиши мумкин. Ари чаққан тери ловуллайди, қичишади ва ўша жой шиша бошлайди. Мабодо ари одамнинг юзини, лаб, оғиз шиллиқ қабатларини, бўйинни чақадиган бўлса, унда ҳаддан ташқари яллиғланиш содир бўлиши мумкин. Бунда терининг қизариши, шишиши, оғриқдан ташқари бош оғриғи, бош айланиб гангиши, умумий ҳолсизланиш, томир уришининг ошиши кузатилади. Айниқса, ари одам кўзини чақса қаттиқ азоб беради: кўз соққаси жароҳатланиши, кўз шишиши содир бўлади. Бундай ҳолларда зудлик билан мутахассис врачдан ёрдам олиш керак.

Шуни айтиш керакки, одамни қайта ари чақадиган бўлса, алергия намоён бўлади: тумов хуруж қилади, сўлак бемавруд оқа бошлайди. Терида тошмалар, пайса-пайса доғлар ҳосил бўлади, қон босими пасайиб кетади ва айрим ҳолларда одам бронхиал астмага мубтало бўлиши ҳам мумкин, энг хавфлиси — анафилактик шокка учраш ҳоллари учраб туради.

Ари чаққанда тезлик билан бериладиган ёрдам хавфли асоратларнинг олдини олади. Жумладан, мабодо чаққан арининг ниши терида қолган бўлса, оҳисталик билан пинцет ёки бармоқлар воситасида олиб ташлаш керак. Озорланган жойга преднизолон малҳамини суртган яхши. Совуқ сув билан намланган сочиқ ари чаққан жойга қўйилса дардга енгиллик берилади. Шунингдек, ари чаққан жойга муз қўйилиши ёхуд новшадил спиртли сув аралашмаси билан намланган тоза латта қўйиладиган бўлса аллергик асоратнинг газак олишига чек қўяди. Ари чаққан одамга 1—2 дона димедрол, супрастин, пиполфен, тавегил каби дорилардан бирини бериш керак. Агар озорланган кишининг нафас олиши қийинлашадиган бўлса, унинг бурнига санорин, нафтизин ёхуд уч процентли эфедриндан 2—3 томчи томизилиши лозим бўлади. Ари чаққанида мабодо одамнинг хуши кетиб, нафаси «тушиб» кетса, юрак уриши тўхтаб қолгувдек бўлса врач келгунга қадар сунъий нафас берилиши, юрак уқаланиб турилиши лозим.

Яна шуни таъкидлаймизки, ари чаққан жойга мутлақо нам тупроқ ёки балчиқ қўймаслик керак. Бундай тадбир қоннинг бузилиши, қоқшол билан оғришга олиб келиш хавфини туғдиради.

Одатда ниш уриш— бу ариларнинг ҳимоя воситаси ҳисобланиб, улар фақат безовта қилинганда, хавф сезганларида чақадилар. Агар ари уясини олиб ташламоқчи бўлсангиз, тунда ари уясига бир оз керосин ёки бензин сепилиши, пуркалиши керак. Албатта бунда амални қўллаганда ёнғин чиқмаслигининг эҳтиёт чораси кўрилади. Керосин таъсирида барча арилар карахтланиб нобуд бўлади ва ундай жойга арилар иккинчи бор макон қуролмайдилар.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

## ТУРФА ОЛАМ

● МЕТРОДА ТЕЛЕКАМЕРАЛАР

Ленинград метросининг «Москва дарвозалари» станциясига поездлар келиши ва кетиши, вагонларга пассажирлар чиқишини телевидение назорат қила бошлади.

Платформанинг пировардида жиҳозланган шинам хона телестудиянинг аппарат хонасини эслатади. Олтита экран вестибюллардаги ва туннелга кираверишдаги эскалатордаги ҳаракатни кўрсатиб туради. Яқин пайтларгача поездларни кутиб олган ва жўнатган навбатчи эндиликда станция диспетчери вазифасини бажаряпти. У станциянинг бир маромда ишлашини таъминлаяпти.



● ҒОР ШАҲАР

Африкадаги Мали мамлакатида ўта қадимги шаҳар аниқланди. Ғор шаҳар бориш қийин бўлган тоғларда жойлашган бўлиб, унинг деворлари ва зинапоялари улкан тош кошинлардан терилган.

Топилма археологлар ва тарихчилар учун ғоят қизиқарлидир. Қадимги шаҳар эрамиздан минг йил олдин мавжуд бўлган. Унинг ғорларидан тош ва металл қуроллар, сопол идишлар, камонлар топилди. Археология ишлари давом эттирилмоқда.

● БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ БЎЙЛАБ

Уч саёҳат ишқибози узунлиги 6.450 километр бўлган Буюк Хитой девори бўйлаб саёҳатда бўлди.

Уларнинг ушбу сафари салкам икки йил давом этди. Улар ўзлари яшовчи мамлакат шимоли-шарқидаги Чаньчунь шаҳрига экспедиция пайтида ёзилган кундаликлар ва етти мингта фотосурат билан қайтиб келишди. Бундан ташқари улар девордаги қадимги ёзувларнинг кўплаб нусхаларини олишган. Илгари маълум бўлмаган юзга яқин чегара белгиси ва ёдгорлик лавҳаларини аниқлашган.

● КУЙ ВА ҚЎШИҚ ОҲАНГРАБОСИ

Оқшом чоғи шаҳар ички ишлар бўлимига кузатув пультидан «Мелодия» магазинидаги сигнализация бузилгани ҳақида хабар тушди. Ҳодиса рўй берган жойга ўша заҳоти навбатчи машина жўнаб кетди.

Милиция ходимлари узоқдан синган витринани кўриб жиноятчи магазинга тўғридан-тўғри кўчадан кирганига ишонч ҳосил қилишди. У ерга яқинлашгач эса ҳайрон қолишди: ташқи ва ички ойна оралиғида у ёқдан-бу ёққа каркур қуши бамайлихотир бориб-келиб турарди. Ўрмонда яшовчи улкан қушни магазиндан таралувчи куй ва қўшиқларнинг оҳанграбоси чорлаган бўлса ажаб эмас.



● ШОВ-ШУВЛИ ТОПИЛМА

XIX аср испан адабиётининг классикларидан бири, 46 томли «Миллий лавҳалар» эпопеясининг автори Бенито Перес Гольдоснинг асарлари жаҳонда шон-шуҳрат қозонди. Унинг ижоди миридан-сиригача ўрганилган деб ҳисобланарди. Бироқ, америкалик филолог Алан Смит ёзувчи меросини ўрганишда янги саҳифа очишга муяссар бўлди. Бир эмас бир йўла 695 саҳифа очилди.

А. Смит Мадриддаги Миллий кутубхонада Гольдоснинг қўлёзмаларини ўрганаётиб аниқладики, унинг романларидан бирида варақларнинг тескари томонига автор бутунлай бошқа асарни ёзган экан. Узоқ изланишлардан сўнг номаълум романнинг яна 397 саҳифаси топилди.



